

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2011
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АХМАДЖОНОВА

“Чинор” романни композициясидаги ўзига хосликлар 64

М.ЖУРАЕВА

Бадий адабиётда мутелик психологияси 66

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.ТОШХЎЖАЕВА**

Бадий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи 69

Э.ИБРАГИМОВА

Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши 73

Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА

Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги 77

В.АМАНОВ

Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш 80

Д.ЮЛДАШЕВА

Синтактик тақоррларнинг бадий-эстетик имкониятлари 83

Н.ФОФУРОВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив

асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари 86

Г.ЖЎРАБОЕВА

Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни 88

Р.АХРОРОВА

Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари 92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА**

Бошлиғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари 95

Ҳ.ҒАНИЕВА

Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-авторини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспектлари 98

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.АБДУМАННОПОВ**

Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала 103

Ш.ОХУНЖОНОВА

Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида 106

М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА

Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари 109

О.ҲУСАНХЎЖАЕВ

Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти 111

Н.ЎРИНОВА

Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари 113

Н.АБДУЛАЗИЗОВА

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида заарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари 115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлилар биринчи олим 116

ХОТИРА

Мадаминбек Хотамович АХМЕДОВ 117

Эркин Мўйдинович ТЎХТАСИНОВ 117

УДК: 8-1-9

БАДИЙ АДАБИЁТДА МУТЕЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

М.Жўраева

Аннотация

Ушбу мақолада истиқпол даври адабиётида яратилган асарларда мутелик психологияси, ўзбек аёлининг қисмати, ёшлар тақдери, мутеликнинг кўринишлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

Автор статьи размышляет о психологии покорности, об участии узбекской женщины, судьбе молодёжи, о разновидностях покорности в произведениях, созданных в годы независимости.

Annotation

This article describes the psychology of dependence which given in literature of the Period of Independence. The fate of Uzbek women, the fortune of youth, the view of dependence to be discussed.

Таянч сўз ва иборалар: мутелик психологияси, муте, аёл қисмати, ёшлар тақдери, инсон туйғулари, ёшлар концепцияси, ёшлар қарашлари.

Ключевые слова и выражения: психология покорности, покорность, женская участь, судьба молодёжи, человеческие чувства, молодёжная концепция, взгляды молодёжи.

Key words and expressions: dependence psychology, dependence, woman's fate, female, fate of youth, human feelings, conception of youth, view of youth.

Ҳар бир инсоннинг оламга, жамиятга нисбатан ўз муносабати, қарashi, назар ташлаш мезонлари бўлади. Шу маънода, ҳар бир шахс, жумладан, ёшларимизнинг ҳам ўз мустақил дунёқарашига, ўз фикрига, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши ниҳоятда муҳимdir.

Маълумки, ҳар бир давр адабиёти ўз қаҳрамонларининг фалсафий-эстетик дунёси билан бир-биридан фарқ қиласди. Шу маънода мустақиллик даври қиссанчилигига қаҳрамонларнинг бадиий-эстетик олами, маънавий-ахлоқий изланишлари, интеллектуал қарашларнинг, илмий-назарий умумлашма хуносалар чиқариши ҳозирги илмий жараённинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Қиссанчилигимизнинг ҳозирги баён усуслари маҳзун ўйчанликка, муроҳазакорликка йўғрилиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ шахс, инсон, аёл психологиясини жамият, табиат, воқеа-ҳодисалари билан омиҳта бадиий-фалсафий тадқиқ этиш тамойили кучайиб бормоқда. Қисса қаҳрамонларининг эса кўнгил деб аталган буюк мамлакат сирларини ўқишида, маъноларини англашда ҳиссий интеллектуаллиги мавқеи ортиб бормоқда. Бугунги қиссанчилигимизнинг муҳим фазилатларидан яна бири муаллиф нутқининг ширин ёлғондан узоклашиб, ҳаётнинг конкрет ва реал муаммолари хусусида кенг қамровли муроҳазакорлик касб этаётганида кўзга

ташланяпти.

Ана шундай асарлардан бири Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” қиссадидир. Асар бугунги ёшларнинг маънавий-ахлоқий эврилишларига тегишли жиддий муаммоларнинг қуюқ акс этганлиги билан ажralиб туради. Қиссада исми табиатига мос Муниса тимсоли ўзига хос чизгилар билан ишланган. Қиссанинг ўқувчи эътиборини тортадиган дастлабки жиҳати унинг юморга йўғрилганидир. Агар ёзувчи фожеий ҳодисани юмор асосида баён этса, бу услубий йўналишни кенгроқ, чуқурроқ очиши лозим бўлади.

Ушбу қиссада ҳаммага, ҳар нарсага ва, аввало, ўзига танқидий муносабатда бўладиган, аммо айтишга ҳам арзимайдиган зигирдай манфаати сабаб қиссадаги фожиавий воқеаларга аралашмаган ғоят ишchan ҳикоячи, бекорчиликдан бошқа иши йўқ, учраган йигит-қизни толеномага қараб бир-бирига яқинлаштиришга тийиқсиз равишда интиладиган бефаҳам Саломат опа; ялқовлиги, омадсизлиги, қобилиятсизлиги сабаб иши юришмаган ва бунинг аламини ожиз, ҳимоясиз одамлардан олиб роҳатланадиган Посбон образлари жуда дард билан ишланган.

Асарда ёзувчи икки хил аёл образини яратади. Улар иккаласи бир хонада ишлайдилар, бир ҳаводан нафас оладилар. Бири ҳукмрон, унга ҳамма муте – Саломат опа. Иккинчиси унинг кўл остида ишлайдиган, барчага муте – Муниса. Улар икки дунё, икки хил характерга эга

М.Жўраева – ФарДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувечиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

аёллар.

Муниса ўқиши тугатган, олий маълумотли қиз, бироқ унинг тақдири келмадими, турмушга чиқмаган. Шунинг учун Саломат опа Мунисанинг баҳтили бўлиши учун ҳаракат қилади. Саломат опа Мунисага “оналиқ” қилимокчи бўлади. Уни баҳт деб аталмиш таҳтга ўтқазаман деб, тубсиз жарликка ташлаб юборади. Саломат опа каби аёллар шу даврда, шу ҳаётда яшаяптилар. “Аёл психологиясини аниқ тасвирлаш у ёқда турсин, чуқурроқ англаб етишининг ўзи олий математиканинг ўнг номаълумли тенгламасини ечишдай гап! Аёл руҳияти кўпинча гўзал ва шаффоф баҳор булутига ўхшайди, ярим соатдан кейин қаёққа сузишини ўзи ҳам билмайди” [5.75].

“Менинг ўзим ҳам кечаси тимсоҳни кўриб чиқканман-у, эртаси куни поччангизни учратиб қолганда ҳеч бир ўйлаб ўтирасдан шартта этагига ёпишиб олганман-қўйғанман” [7.9].

Саломат опа учун туш, унинг таъбири мухим. У кўрган тушининг таъбирига қараб иш тутади. Гўё шу тимсоҳ Мунисанинг тушига кирса-ю, у турмушга чиқса... Бироқ, Муниса бу “буортма” қилинган тушни кўрмас, опага “йўқ” деб жавоб бериш ниҳоятда қийин эди. Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ҳам ёш чиқди деб, бекорга айтишмаган. Ўша қайсар тимсоҳ кунлардан бир куни қизнинг тушига киради.

Саломат опа образи моҳият эътибори билан мантиқсизлиги, беъманилиги туфайли ҳар қандай дашномларга лойиқ ғалати шахс. Унинг жамиятда худбин бўлиб яшashi ёзувчи томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилади.

Қиссада эзилган аёл психологияси, унинг ўз даврига яраша фикрлаш тарзи реал тасвирланган. Синкетиклик, яъни характерлардаги ижобий ва салбий белгиларни бир-биридан ажратмай, уларни ўзаро ўйғун ва аралашиб кетган ҳолда тасвирлаш фольклор асарларидаги ҳалқ қаҳрамонлари тасвирининг спецификасини ташкил этади [1.139]. Шу жиҳатдан Саломат опа образи ижобий ва салбий қирралари билан ажralиб туради.

Асарда Саломат опа характерининг ижобий ва салбий қирралари, сифатлари бирмунча аралаш ҳолда намоён бўлади. Саломат опанинг ижобий хусусиятларидан бири эри устидан ҳукмрон бўлишни хоҳламаслиги, аксинча, унга муте бўлишни исташидир. Агар Саломат опанинг эри унга муте бўлмаганда, бу аёлнинг характерида кескин ўзгариш бўлар эди. Ўзгаларнинг

тақдирига аралашмас, уйим-жойим деб ўтарди. Кўринадики, асарда аёл характеристи, руҳиятининг ўзгаришида оила, ишхона каби маконлар мухим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қаралганда асардаги ҳикоячи корректор замонамизнинг ижобий ва пешқадам ғояларини ташувчи қаҳрамон сифатида намоён бўлади. У содир бўлаётган воқеаларнинг пассив кузатувчисигина эмас, балки унинг фаол иштирокчисидир. Ҳикоячи Саломат опанинг камчиликларига ўз муносабатини билдиримай тура олмайди. Бироқ, унинг муносабати очиқ эмас, балки ҳаёлида, онгода рўй беради. Асардаги корректор раҳбарига муте, чунки раҳбари нотўғри иш қилса ҳам, бир қизнинг ҳаётини дўзахга айлантирса ҳам жим қараб тураверади.

Саломат опа образи орқали ёзувчи аёл қишининг жамиятдаги ўрни, айниқса, оиласидаги мухим вазифаларини эслатиб ўтади. Бироқ, оила ишлари - ташвишлари турмуш ўртоғи зиммасида. Унинг оиласида бирор марта жанжал бўлмаган, рашқ туйғуси улар учун бегона. Оиласада на эрнинг ўрни бор, на аёлнинг. Шунинг учун бўлса керак, Саломат опа Мунисага эркак қишига муте бўлиш фикрини ўқтирган. Чунки Саломат опа ўз эрига муте бўлиб, оиласидаги аёл, хотин мақомини олишни истайди, бироқ уни ҳамма “полвон” дейди, унга хотинлик ва аёллик баҳти насиб қилмаган. Саломат опа характеристида ана шундай ижобий фазилатлар ва салбий унсурлар параллел ҳолда тасвирланади.

Характер моҳиятининг аниқ белгиланганлигини қаҳрамондаги ҳаракат, феъл-атвор, гап-сўз, ташқи кўриниши аро бирликнинг вужудга келишида сезиш мумкин. Яъни психологик белгиларнинг бехато тасвирида характер моҳияти очилади [3.186]. Психологик белгилар портрет тасвирида аниқ кўринади. Моҳир санъаткор қаҳрамоннинг портрети орқали унинг қалбини чуқур ёритгани каби қиссада ана шундай вазифани ёзувчи ҳикоячи – корректорга топширади. Натижада, Мунисанинг портрети орқали унинг қалбидаги түғулар чуқурроқ ёритилади.

Қиз қалби – уммон. Муниса гўё дард учун, хўрланиш учун туғилгандай. У ҳеч қачон Посбондан ҳам, Саломат опадан ҳам нолимайди. Унинг катта айби нолимаслиги, мутелигидир.

“Муте” арабча сўз бўлиб, “итоат этувчи, бўйсунувчи” деган маъноларни беради. Бирорга қарам, тобе бўлган, итоат қилувчи,

итоаткор. Мутелик – бирорга қарамлиқ, тобелик, итоаткорлик [2.654].

Асарда Саломат опа ва Посбонга бўлган Мунисанинг мутелиги параллел ҳолда тасвирланади. Уларнинг фикрларига қарши бормайди. Мунисанинг мутелиги унинг тақдирини аянчли ҳолатга олиб келади. Мунисада мутеликка қарши ҳеч қандай исён йўқ. Мутеликнинг охир-оқибатини ўйлаб ҳам кўрмайди. Саломат опанинг гапига кириб, Посбон билан никоҳсиз, тўйсиз яшай бошлайди. Муниса учун Посбон на эр, на севган эркак, уларнинг ўртасида на муҳаббат бор, на нафрат. Посбон ожизаларни хўрлаб, бу қилмишидан ўзи завқланади. Посбонда на эркаклик ғурури, на эрлик масъулияти бор. Иккинчи фазилат Посбон учун бегона, чунки у Мунисага хотиним, деб қарамайди.

Ёлғон ваъдалар, мудиранинг туштаъбери, мунажжим башорати Муниса учун ҳеч қандай омад, баҳт олиб келмайди. Тўйсиз, никоҳсиз Муниса Посбондан фарзанд кутади. Бунга Посбон ва Саломат опа тиш-тирноғи билан қарши, болани йўқ қилиш пайида бўлишади. Муниса босиб келаётган хавфдан ваҳимага тушиб қолади. Шу боис дарду-дунёси қоронғу, кўзига ҳеч нарса кўринмаётган, миясига ҳеч нарса сиғмаётган қандайдир саробий мўъжизасини интиқлик билан кутаётган, бу сир эса сароблигича қолиб, Мунисага ҳеч қачон тутқич бермаслигини билса-да, умид қилиб кутадиган ожиза эди. Асарда туғилмаган фарзандини ўлдириб, қотиллик содир этаётган аёл ҳолати, болани олдиришдек жисмонан оғрикли, маънан фожиали жараён тасвири берилмайди. Бироқ, ўқувчи Саломат опа ва корректор сұхбати орқали Мунисанинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан азоб тортганлигини ҳис қилади.

Муниса образи орқали адаб мутелик психологиясининг фожиали оқибатини очиб берган. Мутелик, ўз фикрини, қалбининг тубтубида яширинган туйғуларини ўзгаларга айттолмаслик, ўз ғоясига эга бўлмаган кишининг тақдиди қандай тугашини кўрсатади. Муниса камтарин, тортинчоқ қиз. У худбин, ҳамма нарсадан шахсий манфаатларини устун кўядиган кишиларнинг қурбонига айланди. Ҳаётда Муниса каби қалб ҳароратини йўқотган сўлик одамлар, мутелиги туфайли ўз тақдирини яратолмаган аёллар ҳамиша топилади.

Мутелик, тобелик, итоаткорликка қарши инсонда исён бўлиши керак. “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” қиссасида Муниса Саломат опа ва Посбонга муте. Шу мутеликка қарши Муниса ўзида исён тополмайди. Посбонга кўтарилган исён Саломат опа томонидан тўхтатилади. Муниса нафақат бошлиғига, балки бошқа инсонларга ҳам мутедир. Инсонга мутелиги туфайли Муниса бу қадар оғир кўргиликларни бўйнига олиши, унинг учун қанчалар қимматга тушганлиги, шу мушкул вазиятдаги қизнинг ҳолати ҳикоячи томонидан бутун драматизми билан гавдалантирилади.

Демак, мутелик психологияси қийинчилик билан йўқолиб бораётган бир иллатдир. Бу иллат инсон шахсини камол топтириш йўлида машъум бир ғовга ўхшаб туради. Бундай ғовга дуч келган одам худди мотори олиб қўйилган машинага ўхшаб, қимdir шатакка олмаса, қимир этмай қотиб тураверади. Ҳолбуки, ҳар бир нормал одамни табиат ўз маънавий “мотори” билан бирга яратган. Гап ана шу моторни ишга туширишда, одамнинг инсонлик шахсини, мустақил фикрини, ғуруруни йўқотмай, ўз тақдирини тўғри йўлга қўйиш, мақсадга эришиш учун катъият билан курашишидадир.

Адабиётлар:

1. Адабий тур ва жанрлар. 1- том. Т.: Фан, 1991, 139-бет.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия нашриёти. 2006 йил, 654-бет.
3. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007.
4. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
5. Ҳошимов Ў. Саккизинчи мўъжиза. – Т.: Мумтоз сўз, 2009.
6. Норматов У. Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси. –Т., 2008 йил.
7. Йўлдошев А. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. –Т., 2001.

(Тақризчи: Й.Солижонов, филология фанлари доктори, профессор).